

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ  
БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЖАМКУЛОВА ЮЛДУЗОЙ ЖАХОНКУЛОВНА**

**ШОЛИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ТУРЛИ СУВ ҚАЛИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08 -“Ўсимликшунослик”**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Хожамкулова Юлдузой Жахонкуловна**

Шолининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли сув

қалинликларининг таъсири .....3

**Хожамкулова Юлдузой Жахонкуловна**

Влияние различного слоя воды на рост, развитие и урожайность

риса.....19

**Khojamkulova Yulduzoy Jokhonkulovna**

Influence of different water layer on rice growth, development

productivity.....33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....37

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ  
БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.QX.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЖАМКУЛОВА ЮЛДУЗОЙ ЖАХОНКУЛОВНА**

**ШОЛИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА  
ТУРЛИ СУВ ҚАЛИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**06.01.08 - “Ўсимликшунослик”**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий Аттестация Комиссиясида В2017.1.PhD/Qx41 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси шолчилилик илмий-тадқиқод институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (([www.andqjai.uz](http://www.andqjai.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ходжакулов Тўракул** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:** **Хошимов Иброҳимжон Набиевич** - қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

**Ўразметов Қахрамон Каримбоевич** - қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

**Ётақчи ташкилот:** **Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.**


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти PhD.05/30.10.2020. Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «22» 02 2022 йил соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600, Андижон вилояти Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. АҚХАИ. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz); Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 17 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 170600, Андижон вилояти Андижон тумани, Куйган ёр ш.ф.й, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. АҚХАИ. Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54).


Диссертация автореферати 2022 йил «10» 02 да тарқатилди.

(2022 йил «10» 02 даги 17 рақамли реестр баённомаси)



 **А. Исашов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

 **С.О. Абдурахмонов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., к.и.х.

 **К.С. Комилов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши билан бир қаторда гуруч маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу боис, шоли етиштиришнинг миқдори жумладан, АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти (USAID) маълумотларига кўра, ўтган йили гуруч ишлаб чиқариш 496,40 млн тоннани ташкил этган, жорий йилда эса 503,17 млн тонна гуруч етиштирилиб бутун дунё бўйлаб 6,77 млн тоннага ёки 1,36 фоизга ортган<sup>1</sup>. Шу сабабдан шоли етиштиришда суғориш сувдан самарали фойдаланиш, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда илғор, ресурс тежамкор, инновацион агротехнологияларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Дунё мамалакатларида ўртача гектарига 14-16 минг м<sup>3</sup>, Республикамизда эса тупроқ-иклим шароитлари ва шоли навларининг боғлиқ ҳолда гектарига 16-21 минг м<sup>3</sup> сув сарфланмоқда. Шу боис суғоришда сув миқдорини камайтиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолининг шоли маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда республикамизда 129,4 минг гектар майдонда 611130 тонна шоли етиштирилмоқда. Шолдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шоли етиштириш учун сарфланадиган сув миқдорини камайтириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шоличиликни ривожлантириш долзарб вазифа эканлигини ҳисобга олиб, охириги йилларда бу соҳага жиддий эътибор қаратилмоқда, яъни тараққиётнинг экстенсив ва интенсив йўллари баробар олиб бориш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Шоли етиштириш ҳамда харид қилишнинг ягона тизимини шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 октябрдаги “Давлат эҳтиёжлари учун шоли харид қилишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4973-сон қарорига асосан шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, шоли майдонларининг 20 фоизини кўчат усулида экиш, 50 фоизида лазер ускунаси ёрдамида текислаш тизимини жорий этиш, 30 фоизида эса шоли уруғини замонавий сеялкаларда экиш вазифалари белгиланган.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сонли Фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерлар ва сув манбаларидан самарали, оқилона фойдаланиш, хар

<sup>1</sup><http://www.worldagriculturalproduction.com/crops/rice.aspx>

бир минтақа тупроқ-иқлим шароитига мос шоли навларини яратиш, танлаш ва ресурс тежамкор агротехнологияларни жорий этиш”<sup>2</sup> 2019 йил 23 октябдаги ПФ-5853-сон Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тараққиётида турли сув қалинлигида шоли навларини танлаш, унинг ўсиш-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилиб, бир қатор илмий ва амалий натижалар баён қилинган. Жумладан, хорижий давлатлар олимларидан Краснодар ўлкасида Е.И.Свежакова, В.Нестеров, В.Ф.Щупаковский, М.П.Сборщикова, М.Т.Когай, У.Аитов, И.Е.Белоусов, В.А.Поповлар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган ҳамда муайян натижаларга эришилган. Республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос серҳосил навларни яратиш ва сувдан самарали фойдаланиш услубларини ўрганиш бўйича С.Рихсиева, Г.А.Ходжамберганов, Т.Асиллов., Т.Бобониязов, Х.У.Ўрманова, Р.Ш.Тиллаев, Г.Н.Раҳимов, З.Н.Джуманов, А.П.Эгамназаров, Г.Джураева ва М.А.Эргашевлар томонидан Республикамизнинг турли минтақалари шароитида шоли уруғини экиш ва озиклантириш меъёри, муддатлари, асосий ва такрорий экин сифатида кўчат усулида экишнинг муқобил муддатларини ишлаб чиқиш, шоли ўсимлигини шўрга чидамли навларини танлаш, шоли навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири борасида изланишлар олиб борилган.

Бироқ, Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шоли навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли сув қалинлиги таъсири аниқлаш борасида етарлича илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Шолчилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-ҚХ-2018-51 “Муттасил шоли етиштириш ва алмашлаб экиш тизимида суғориш режимини, комплекс ўғитлар ҳамда ўсишни маромлаштирувчи воситалар қўллаш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тошкент вилояти ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда навларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли сув қалинликларининг таъсири аниқлашдан иборат.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 фармони

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитида шолининг амал даврида турли сув қалинлигининг ўсимлик униб чиқишига, ўсиш-ривожланиши ва биометрик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

шоли навлари ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларига мақбул сув қалинлигини аниқлаш;

турли сув қалинликларида етиштирилган шоли навларини юқори уруғлик ва гуруч сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

шоли навларини турли сув қалинликларида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари, сувнинг турли қалинликлари, шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар” кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурний”, “УзРОС-7/13” навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, турли сув қалинликларида шоли навлари уруғларининг лаборатория ва дала шароитида униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, ўсув даври давомийлиги, куруқ массаси, ҳосилининг биометрик кўрсаткичлари, дон ҳосилдорлиги ва гуручнинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқот услублари.** Илмий-тадқиқотларда дала тажрибаларини жойлаштириш, барча ҳисоб-китоб ва кузатувлар “Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ПСУЕАИТИ) асосида амалга оширилган. Гуручнинг шишасимонлиги ГОСТ 10987-76, гуруч чикими ва бутун гуруч миқдори ГОСТ ISO 6646-2013 бўйича аниқланган. Шоли барг сатҳини ҳисоблаш Vishnu.M. Bhan ва Н.К.Pande (IRRI) услубида, иқтисодий кўрсаткичлар В.Н.Положий услубида, математик-статистик таҳлиллар Microsoft Excel дастурлари ёрдамида (Б.А.Доспехов, 1985) бўйича ҳисобланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- илк бор Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар”, кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурний”, “УзРОС-7/13” навларининг мақбул сув (15 см) қалинликда суғориш илмий жиҳатдан исботланган;

-шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар”, кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурний”, “УзРОС-7/13” навларининг мақбул суғориш меъёрлари (16000 м<sup>3</sup>, 18500 м<sup>3</sup>, 21500 м<sup>3</sup>) аниқланган;

- илмий жиҳатдан асосланган сув қалинлиги шоли навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги (75,4 ц/га) ва унинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланган;

- шолини парваришlashда сув тежовчи, сув қалинлиги ва юқори иқтисодий самадорлиги (68,2 %) аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида районлаштирилган эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар” кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурний”, “УзРОС-7/13” шоли навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли сув қалинликларида шоли уруғларининг униб чиқиши, ўсиши,

ривожланишига, ҳосилнинг биометрик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги, доннинг сифати, гуруч таркиби ва иқтисодий самарадорлигига таъсири аниқланган;

Шоли навларига 20 см қалинликда сув берилганда мавсумий суғориш меъёри 21500 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, бунда 15 см қалинликда сув берилганда 3000 м<sup>3</sup>/га сув тежалиб, ушбу сув қалинликда навларнинг ўсиш-ривожланиши яхшиланиб, ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминлади. Эртапишар “Гулжаҳон” навидан 60,1 ц/га шоли етиштирилиб, соф фойда 4500108 сўм/га, рентабеллик даражаси 60,6% ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткичлар ўртапишар “Илғор” навида мутаносиб равишда 64,7 ц/га; 4667846 сўм/га ва 67,2%; ўртапишар “Искандар” навида 69,9 ц/га; 10831844 сум/га ва 63,2%; кечпишар “Лазурний” навида 66,2 ц/га; 10680112 сум/га ва 67,6%; кечпишар “Мустақиллик” навида 73,2 ц/га; 9514975 сўм/га ва 68,4%; кечпишар “УзРОС-7/13” навида 75,3 ц/га; 9514975 сўм/га ва 68,2% ни ташкил этганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Амалий натижалар лаборатория ва дала тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотларга математик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, олинган натижалар юқори малакали мутахассислар томонидан баҳоланиб, ижобий хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, тавсияларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги ва илмий мақолаларнинг Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги мазкур диссертация ишининг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар”, кечпишар “Мустақиллик”, Лазурний”, “УзРОС-7/13” навларини турли сув қалинлигига боғлиқ ҳолда уруғларнинг униб чиқиши, ўсиш-ривожланиши, қуруқ масса тўплаш, барг сатҳининг шаклланиши, шунингдек тупланиш даражаси, ҳосил структураси ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Илмий-тадқиқотларнинг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида, шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар”, кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурний”, “УзРОС-7/13” навларининг мақбул суғориш меъёри ва унга мос равишда турли сув қалинлиги меъёрида суғориш орқали майдон бирлигига сарфланадиган сув миқдорининг тежалиши, ҳосилдорлик ҳамда иқтисодий самарадорликнинг юқори бўлишига эришилганлиги тадқиқотнинг амалий аҳамияти ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шолининг янги районлашган (эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Илғор”, “Искандар” кечпишар “Мустақиллик”, “Лазурний”, “УзРОС-7/13”) навларининг ўсиб, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли сув қалинликларининг таъсирини



аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

- шолчиликка ихтисослашган фермер ва томорқа хўжаликлари учун “Шоли етиштиришда сувдан самарали фойдаланишга оид тавсиянома” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 май № 02/021-2296-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома шолчилик фермер хўжаликларида фойдаланилмоқда.

- шолнинг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Искандар”, “Илғор”, кечпишар “Лазурний”, “Мустақиллик” навларини етиштиришнинг энг мақбул агротехнологик тадбирлари Тошкент вилояти Бекобод тумани “Умида маржона файз” фермер хўжалигида 64 га, Шолчилик илмий-тадқиқот институтида тажриба участкасида 120 га, Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиалида 72,9 га, Андижон вилояти Жалакудук тумани “Қумтепа булоғи” фермер хўжалигида эса 39,5 га жами 296,4 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29-майдаги №02/021-2296-сонли маълумотномаси). Натижада, шолнинг эртапишар “Гулжаҳон” нави (66,1 ц/га) да сув қалинлиги 15 см (16800 м<sup>3</sup>/га), 20 см бўлганда (18300 м<sup>3</sup>/га) назорат вариантга нисбатан гектаридан 1500 м<sup>3</sup>/га сув тежалиб, бунда 3,1 ц/га қўшимча шоли ҳосили олинган ҳамда сув сарфини тежаш эвазига 5876,5 минг сўм фойда олиниб, рентабеллик даражаси 33,8 фоизни ташкил этган.

Шолнинг ўртапишар “Искандар” нави (76,4 ц/га) 15 см сув қалинлиги бўлганда (16800 м<sup>3</sup>/га) назоратдаги 20 см бўлган (19950 м<sup>3</sup>/га) вариантга нисбатан ҳар гектаридан 3150 м<sup>3</sup>/га сув тежалган ва бунинг эвазига 7120,0 минг сўм фойда олинган ҳамда 3,8 ц/га қўшимча шоли ҳосил олиниб, 37,0 фоиз рентабелликка эришилган.

Шолнинг кечпишар “Лазурний” нави (77,5 ц/га) ни парваришланганда сув қалинлиги 15 см бўлганда (18500 м<sup>3</sup>/га) назорат 20 см бўлган (21500 м<sup>3</sup>/га) вариантга нисбатан ҳар гектаридан 4,1 центнер қўшимча шоли ҳосили олиниб, 3000 м<sup>3</sup>/га сув тежалган. Сув сарфини тежаш эвазига 7284,2 минг сўм/га фойда олиниб, рентабеллик даражаси 37,4 фоизни ташкил этган.

Шолнинг кечпишар “Мустақиллик” нави (73,2 ц/га) парваришланганда сув қалинлиги 15 см бўлганда (19050 м<sup>3</sup>/га) назорат 20 см (21500 м<sup>3</sup>/га) вариантга нисбатан ҳар гектаридан 2450 м<sup>3</sup>/га сув тежалиб, бунда 4,09 ц/га қўшимча шоли ҳосили етиштирилган ва сув сарфини тежаш эвазига 7255,8 минг сўм фойда олиниб, бунда рентабеллик даражаси 42,2 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг махсус апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Диссертация ишининг илмий натижалари 3 маротаба республика ва 2 марта халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий журналларда 4 та, хорижий журналда 1 та, республика

илмий-амалий анжуманларида 3 та, халқаро илмий-амалий анжуманларда 2 та ва 1 та ишлаб чиқаришга тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, илмий-тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, илмий-тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети тавсифланган ва тадқиқотнинг усуллари, илмий, амалий янгиллиги асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, илмий-тадқиқот натижаларининг апробацияси, жорий қилишни ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича атрофлича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Турли сув қалинлигига боғлиқ ҳолда шоли етиштиришнинг замонавий усуллари таҳлили ва илмий-тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий илмий-тадқиқотлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, шолининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли сув қалинликларининг таъсири бўйича илмий хулосалар қилиниб, жумладан, Тошкент вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида турли сув қалинликларида шоли навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорликка таъсири борасида илмий-амалий изланишлар олиб бориш зарурати ҳамда долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган шарт-шароит ва услублар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ, иқлим шароити, тадқиқотларнинг олиб бориш услублари ҳамда дала тажрибаларида қўлланилган агротехник тадбирлар баён этилган. Илмий тадқиқотлар тасдиқланган дастур асосида Шолчилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида амалга оширилган. Тадқиқотларда шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар “Искандар”, “Илғор” кечпишар, “УзРОС-7/13”, “Мустақиллик”, “Лазурний” навлари, 5, 10, 15, 20 см сув қалинлигида 4 қайтариқда олиб борилди. Дала тажрибалари 24 та вариантдан иборат бўлиб, узунлиги 20 м, эни 2,8 м ва майдон юза  $56 \text{ м}^2$  бўлганлиги боис бутун яруснинг майдони  $56 \text{ м}^2 \times 24 = 1346 \text{ м}^2$  ҳамда ҳимоя майдонлари билан биргаликда  $1500 \text{ м}^2$  ни ташкил этиб, рендомизали (тасодикий) усулда жойлаштирилган.

Тажриба майдони тупроғининг ҳайдов қатлами (0-30 см да) физик лой миқдори 50,1 фоизни, рН миқдори 7,15 ни ташкил этади. Тупроқнинг ҳайдов қатламида гумус-1,92%, азот-22,31 мг/кг, фосфор-59,2 мг/кг ва калий миқдори эса -158 мг/кг ни ташкил этиши аниқланган.

Диссертациянинг **“Шоли навларининг ривожланиш фазалари давомийлиги ва ўсув даврига турли сув қалинлиги таъсири”** деб номланган учинчи бобида тажрибада ўрганилаётган шоли навларида вариантлар бўйича ўсув даврининг давомийлиги баён этилган. Жумладан, мазкур (1-жадвал) маълумотларидан келиб чиққан ҳолда тупланиш даврида вариантлар ўртасидаги фарқ 4,6 см ни, биринчи ва тўртинчи вариантлар орасидаги фарқ 2,1 см ни ташкил қилган. Найчалаш даврига келиб, шоли бўйининг ўсишида, вариантлар бўйича фарқи яққол кўзга ташланиб, биринчи ва тўртинчи вариантлар (5-20 см) 6,5 см, биринчи ва учинчи вариантлар (5-15 см) орасидаги фарқ 7,7 см ни ташкил қилган. Мум пишиш даврида вариантлар ўртасидаги фарқ янада камайиши аниқланган. Биринчи ва тўртинчи вариантлар орасидаги фарқ эса 3 см, биринчи ва учинчи вариантлар (5-15 см) ўртасидаги фарқ 6 см бўлиши кузатилган. Тўлиқ пишиш даврида ҳам мум пишиш давридаги қонуният деярли сақланиб қолди, биринчи ва тўртинчи вариантлар орасидаги фарқ 1,3 см, биринчи ва учинчи вариантлар (5-15 см) орасидаги фарқ 2,3 см бўлганлиги кузатилди. “Гулжаҳон” навида ўсув даврлари орасида жадал ўсиш, асосан тупланиш ва мум пишиш даврлари (кунлик ўсиш 1,2-1,3 см) да кузатилган. “Илғор” навининг ўсув даврларида бўйининг ўсиш тезлиги тўлиқ униб чиқиш давридан ўн кун ўтгандан кейин ўлчанди ва “Гулжаҳон” навида кузатилган натижаси сингари “Илғор” навининг вариантлар орасидаги фарқ деярли сезилмади.

Тўлиқ тупланиш даврида вариантлар орасидаги фарқ 5, 6 см биринчи ва тўртинчи вариантлар орасидаги фарқ 2,3 см дан иборат бўлиши кузатилди. Найчалаш даврида шолининг ўсишида, вариантлар орасидаги фарқ яққол кўзга ташланди. Унга кўра вариантлар орасидаги фарқ 5,5 см ни, биринчи ва тўртинчи вариантлар орасидаги фарқ эса 3,4 см бўлганлиги аниқланган.

“Искандар” навида тўртта вариантлар орасидаги фарқ тупланиш даврида 7,3 см, найчалаш даврида, 7,6 см, мум пишиш 7,3 см ва тўлиқ пишиш даврида 4,5 см атрофида ўзгарганлиги кузатилган. “Искандар” навида ҳам ўсув даврлари орасида ўсимликда жадал ўсиши, асосан тупланиш ва мум пишиш даврларида (кунлик ўсиш 1,1-1,3 см) кузатилди. “Лазурний” навида тўлиқ туплаш даврига келиб вариантлар орасидаги фарқ 7,9 см ни, биринчи ва тўртинчи вариантлар орасида фарқ 1,3 см дан иборат бўлди. Найчалаш даврига келиб шоли бўйининг ўсишида, вариантлар орасидаги фарқ яққол кўзга ташланди. Биринчи ва тўртинчи вариантлар орасидаги фарқ (5-20 см) 4 см биринчи ва учинчи вариантлар (5-15 см) орасидаги фарқ 6 смни ташкил қилган. Мум пишиш ва тўлиқ пишиш давларида шолининг ўсиши давом этганлиги кузатилган. Кунлик ўсиш тезлиги бўйича тупланиш ва найчалаш даврига нисбатан пасайганлиги аниқланган. “Мустақиллик” ва “УзРОС-7/13” навлари ўсишига сув қалинликларининг таъсири бошқа ўрганилаётган навларга нисбатан пастлиги, айниқса, “Мустақиллик” навининг сувга чидамлилиги кузатилган. “Гулжаҳон”, “Искандар” навларида найчалаш даврида вариантлар ўртасидаги фарқ (5-15 см) 7,7-7,6 см бўлган бўлса, “Мустақиллик” ва “УзРОС-7/13” навида биринчи ва учинчи вариантлар орасидаги фарқ 4,9- 6,3 см ташкил этганлиги кузатилган.

Диссертациянинг **“Шоли ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари”** деб номланган тўртинчи бобида шолининг эртапишар “Гулжаҳон”, ўртапишар

“Илғор” ва “Искандар” навларида ҳосилдорлик фақат маҳсулдор поялардан олинган ҳосил ва рўвакдаги донлар ҳисобига олинганлиги баён этилган. Умуман олганда рўвакдаги дон сони ва дон вазни бўйича вариантлар орасида фарқ деярли сезиларли эмаслиги аниқланган.

Аммо навлар орасида рўвакдаги дон сони бўйича ўзгарувчанлик катта бўлиб, “Гулжаҳон” навида бир рўвакдаги тўлиқ дон сони 154 та, “Илғор” навида 162, “Искандар” 168, “Лазурний” навида 166, “Мустақиллик” навида 215 та ва “УзРОС-7/13” 125 тани ташкил этганлиги аниқланган. Ҳосилдорликни белгиловчи асосий омиллардан бири 1000 та донни вазни бўлиб, ўрганилган навларнинг барчасида вариантлар орасидаги фарқ ўртача 0,1-0,3 г ни ташкил этган.

Фақат “Мустақиллик” навида вариантлар орасида фарқ 0,9 г. ҳосилдорлик бўйича кўрсаткич таҳлил қилинганда 1 м<sup>2</sup> дан олинган дон вазни “Гулжаҳон” навида 782,0 г; “Илғор” навида 807,0 - 877,0; “Искандар” навида 874,0-940,8; “Лазурний” навида 747,0-864,0; “Мустақиллик” навида 832,0-936,0; “УзРОС-7/13” навида 781,0-936,0 граммдан юқори ҳосилдорликка эришилган. Таҷрибаларда биологик ҳосилдорлик олинган ҳақиқий ҳосилдорликка мос бўлиб, бунда вариантлар орасидаги фарқ “Гулжаҳон” навида 56,2-60,1, “Илғор” навида 58,6-64,7, “Искандар” навида 64,9-69,9, “Лазурний” навида 59,3-66,2, “Мустақиллик” навида 65,5-73,2, “УзРОС -7/13” навида 64,3-75,3 ц/га бўлиши аниқланган.

Олиб борилган кузатишларда турли сув қалинлигининг ортиши билан навлар бўйича рўвакдаги пуч донлар сонининг камайиши кузатилган. Ўрганилган навлар ичида “Мустақиллик” ва “УзРОС-7/13” навларидан юқори натижалар қайд этилган.

Шоли навлари орасида “Лазурний” навида сув қалинлиги 10 см дан ошган сари ётиб қолишга мойиллиги юқори бўлиши ва ҳосилдорликнинг камайиши аниқланган. Шолидан мўл ҳосил етиштиришда таъсир қиладиган асосий омиллардан бири кўчат қалинлиги бўлиб, бу асосан экилган уруғнинг миқдори, сифати ва дала унувчанлигига боғлиқ бўлади (1-жадвал).


Шоли ҳосилдорлиги нафақат майдон бирлигидаги кўчат сони балки, майдон бирлигидаги маҳсулдор поялар сони билан ҳам белгиланади. Дала экинлари орасида шоли уруғининг дала унувчанлиги бошқа ғалла экинларининг дала унувчанлигига нисбатан паст, бўлса-да, бироқ, шоли бошқа ғалла экинларидан алоҳида ажралиб турадиган хусусияти бу кўчат сони кам бўлишига қарамай тупланиш даражаси юқори бўлганлиги ҳосилдор поялар сонининг ошиши тупроқ унумдорлиги, навнинг биологик хусусияти ва маъдан ўғитлар миқдорига боғлиқлиги аниқланган.

## Шоли навларида ўсув даврининг давомийлиги, кун ҳисобида

Вариант	Ўсув даври, кун				
	Униб чиқиши	Тупланиш	Найчалаш	Мум пишиш	Тўлиқ пишиш
“Гулжаҳон” нави					
5 см	13	54	93	110	123
10 см	14	55	98	112	122
15 см	15	58	100	116	126
20 см	14	56	99	113	125
“Илғор” нави					
5 см	13	47	95	110	118
10 см	14	48	96	110	120
15 см	15	53	100	115	124
20 см	14	50	98	113	122
“Искандар” нави					
5 см	13	56	99	114	124
10 см	14	60	103	118	125
15 см	15	63	106	121	129
20 см	14	60	103	118	126
“Лазурний” нави					
5 см	13	52	98	110	118
10 см	14	53	90	112	120
15 см	15	60	103	116	124
20 см	14	54	100	114	122
“Мустақиллик” нави					
5 см	13	64	106	122	131
10 см	14	67	109	124	133
15 см	15	69	111	126	137
20 см	14	66	108	124	134
“УзРОС 7-13” нави					
5 см	13	64	107	122	130
10 см	14	67	109	124	132
15 см	15	70	113	127	134
20 см	14	68	110	126	131

Олиб борилган изланиш ва тажриба натижасига кўра турли сув қалинликлари таъсирида навлар хосилдорлиги деярли бир хил бўлиб, бу “Гулжаҳон” 10-20 см тўртинчи вариантлар орасидаги фарқ 2,3 ц/га, 10 ва 15 см қалинликлар орасидаги фарқ эса 0,8 ц/га эканлиги келтирилган (1-расм).

“Илғор” ва “Искандар” навларида ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолинган ва бунда юқори ҳосилдорлик тўртинчи вариантда қайд этилган. Тажрибамизда барча навлар бўйича тавсия қилинган 10 см ли сув қалинлиги билан таққослаганда тўртинчи вариантда 2,0 ц/га юқори ҳосил олинганлиги қайд этилган. Тадқиқотларимизда турли сув қалинлиги, шоли навларининг маҳсулдор белгиларига таъсири кузатилганда юқори натижа шолининг “Мустақиллик” навида рўвакдаги тўлиқ дон сони 195 дона (15 см) , 1000 дона, дон вазни 34,8 г (15 см) тупланиш даражаси “Лазурний” навида 1,7 (15 см) 1 м<sup>2</sup> ўримдан олдин сони 195 дони (15 см), “Гулжаҳон”, “Илғор” навларида, маҳсулдор поялар сони 294 дони (15 см), “Искандар” навида, рўвак оғирлиги 3,2 г (15 см), “Искандар”, Лазурний”, “УзРОС-7/13” ва “Мустақиллик” навида юқори эканлиги аниқланган



**1-расм. Турли сув қалинликларининг шоли ҳосилдорлигига таъсири, ц/га.**

Диссертациянинг “Шоли навларининг сифат кўрсаткичларига турли сув қалинликларининг таъсири” деб номланган бешинчи бобида шолида амилаза, крахмал ва оксил миқдори ҳақида маълумот баён этилган. Тажрибаларимизда (2-жадвал) турли сув қалинликларида (5; 10; 15 ва 20 см) шоли парваришида доннинг таркибида амилаза, крахмал ва оксил миқдорига таъсири аниқланиб 5 см сув қалинлигида, шолининг эртапишар “Гулжаҳон” навида амилаза миқдори 17,9%, крахмал - 68,9%, оксил - 8,6% ни, 10 см сув қалинлигида эса амилаза - 18,9%, крахмал - 69,3%, оксил - 9,0% ташкил этганлиги аниқланди. Сув қалинлиги 15 см бўлганда амилаза - 19,0%, крахмал - 69,0%, оксил - 9,3% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилаза - 19,0%, крахмал 69,1%, оксил - 9,6% ташкил этган бўлса шолининг ўртапишар “Илғор” навини

5 см сув қалинлигида парваришланганда таркибида амилаза 17,9%, крахмал - 69,2%, оқсил - 8,9% ни ташкил этганлиги кузатилган. Сув қалинлигида 10 см бўлганда эса амилаза- 19,0%, крахмал - 69,6%, оқсил- 9,3% бўлган бўлиб, 15 см сув қалинлигида амилаза 19,2%, крахмал - 70,4%, оқсил 9,6% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилаза 19,1%, крахмал - 69,8%, оқсил 9,6% ни ташкил қилган. Сув қалинлигида 5 см бўлганда шолининг кечпишар “Мустақиллик” навининг таркибида амилаза 20,2%, крахмал 69,8%, оқсил 9,6% ни ташкил қилган.

Шолининг ўртапишар “Искандар” навининг шоли таркибида амилаза миқдори 18,6%, крахмал-69,9%, оқсил-9,9% ни ташкил қилган. Сув қалинлиги 10 смда парваришланганда амилаза миқдори -19,2%, крахмал -70,8%, оқсил- 9,9% ташкил этган бўлса, сув қалинлиги 15 см лигида амилаза-19,1%, крахмал-69,8%, оқсил-9,9% ҳамда сув қалинлиги 20 смда амилаза-19,1%, крахмал-71,0%, оқсил - 9,6% ташкил қилган. Шолининг кечпишар “Лазурний” навини 5 см сув қалинлигида парваришлаганда шоли таркибида амилаза миқдори-20,9%, крахмал-68,6%, оқсил-10,6% ни ташкил қилган.

Сув қалинлиги 10 см бўлганда амилаза миқдори-21,4%, крахмал-70,3%, оқсил- 11,2% бўлди. Сув қалинлиги 15 см бўлганда эса амилаза миқдори-21,4%, крахмал- 69,9%, оқсил -11,2% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилаза - 21,3%, крахмал 70,0%, оқсил 11,2% ташкил қилган (2-жадвал).

Тажрибада 5 см сув қалинлигида шолининг кечпишар “УзРОС-7/13” нави парваришида шоли таркибида амилаза -20,0%, крахмал-69,8%, оқсил-9,2%, сув қалинлиги 10 см бўлганда амилаза миқдори-20,7%, крахмал-70,3%, оқсил-9,6%, 15 см сув қалинлигида эса амилаза миқдори-20,6%, крахмал- 70,8%, оқсил - 9,4% ҳамда 20 см сув қалинлигида амилаза -20,5%, крахмал- 70,3%, оқсил -9,3% ни ташкил этган.


Тадқиқотларда турли хил сув қалинлигида шолининг “Гулжаҳон”, “Илғор”, “Искандар”, “Лазурний”, “Мустақиллик” “УзРОС-7/13”, ўрганилган барча шоли навларига нисбатан кечпишар шоли “Мустақиллик” навининг донида оқсил миқдори -10,3%, крахмал -70,9%, амилаза-21,0% ташкил этди. Ўртапишар “Илғор” шоли навининг донида амилаза, крахмал, оқсил миқдорлари шоли экилган майдонларда сув қалинлиги 15 см бўлганда энг юқори кўрсаткич 19,2, 70,4 ва 9,6% ни ташкил қилди. Шоли навлари орасидан кечпишар “Лазурний” нави донида бошқа навларга нисбатан амилаза, крахмал ва оқсил миқдори мутаносиб равишда 21,4, 69,9 ва 11,2% юқори бўлиши кузатилди.

Диссертациянинг **“Шоли навларини етиштиришда турли хил сув қалинлигининг иқтисодий самарадорлиги таъсири”** деб номланган бўлимида, тажрибада қўлланилган омиллар ва агротехник тадбирларни шоли навларини парваришидаги иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Шолининг “Гулжаҳон” навини сув қалинлиги 5, 10 ва 15 см парваришланган вариантларда ўртача ҳосилдорлик 56,2 -60.1 ц/га ва жами даромад мос равишда 11,1-11,9 млн. сўм, жумладан соф даромад 3,9-4,5 млн. сўм, жами харажатлар миқдори эса 7,2-7,4 млн. сўм ёки рентабеллик даражаси вариантлар бўйича 54,4-60,6% ташкил этди.

## Шоли донида амилаза, крахмал ва оқсил миқдори, %

Навлар	Сув қалинлигига нисбатан, миқдорлари, %											
	5 см			10 см			15 см			20 см		
	Амилаза	Крахмал	Оқсил	Амилаза	Крахмал	Оқсил	Амилаза	Крахмал	Оқсил	Амилаза	Крахмал	Оқсил
“Гулжаҳон”	17,9	68,9	8,6	18,9	69,3	9,0	19,0	69,0	9,3	19,0	69,1	9,6
“Илғор”	17,9	69,2	8,9	19,0	69,6	9,3	19,2	70,4	9,6	19,1	69,8	9,6
“Искандар”	18,6	69,9	9,9	19,2	70,8	9,9	19,1	69,8	9,9	19,1	71,0	9,6
“Лазурний”	20,9	68,6	10,6	21,4	70,3	11,2	21,4	69,9	11,2	21,3	70,0	11,2
“Мустақиллик”	20,2	69,8	9,6	20,9	70,9	9,9	21,0	70,9	10,3	20,9	70,9	9,9
“УзРОС 7/13”	20,0	69,8	9,2	20,7	70,3	9,6	20,6	70,8	9,4	20,5	70,3	9,3

Муҳими шундаки, сув қалинликлари ҳолатига қараб рентабелликнинг паст ёки юқори даражада бўлиши кузатилди.



2-расм. Шоли навларини етиштиришда турли сув қалинлигининг рентабеллик даражасига таъсири

“Лазурний” нави бўйича 5, 10 ва 15 см сув қалинлигида ўртача ҳосилдорлик 59,3; 63,0 ва 66,2 ц/га бўлгани ҳолда жами ҳаражатлар мос равишда



15,7 ва 15,7 млн сўм, соф даромад миқдори 7,9; 9,4 ва 10,6 млн сўм бўлгани ҳолда рентбеллик даражаси бўйича 50,1; 59,5 ва 67,6 % ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичлар “Мустақиллик” навида мос равишда ўртача ҳосил 65,5; 71,6 ва 73,2 ц/га, жами ҳаражатлар 13,9 млн сўм, соф фойда 7,0–9,5 млн. сўм, рентбеллик даражаси эса 50,7 дан 68,4% ни ташкил этганлиги аниқланди.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Илмий изланишлар натижасида шоли навлари уруғини унувчанлиги бўйича “Гулжаҳон” (98,1%) ва “Искандар” (98,5%) навлари энг юқори кўрсаткичларга эришилди.

2. Дала унувчанлиги бўйича навлар ўртасида сезиларли фарқ йўқлиги ва шу билан бирга турли сув қалинлиги ортиб боргани сари унувчанликнинг пасайиши кузатилди.

3. Турли сув қалинлигида шоли навларининг энг юқори унувчанлик кўрсаткичи сув қалинлиги 5 смли вариантда “Мустақиллик” навида 61,0%, 10 см бўлганда “Мустақиллик” 51,4% ва “Илғор” навлари 51,6%, 15 см да “Мустақиллик” 40,6%, 20 см да “Мустақиллик” навида 39,8% уруғларни унувчанлиги аниқланди.

4. Шоли навлари бўйича маҳсулдор поялар сони (дона) “Гулжаҳон” 5 см сув қалинлигида (285 дона) 10 см, (282 дона), 15 см (298 дона) ва 20 см (276 дона) вариантларда юқори эканлиги кузатилиб, бунда энг мақбул кўрсаткич 15 см сув қалинлигида аниқланиб, 15 см сув қалинлигида сақланиш даражаси (63,9%), тупланиш коэффициенти (1,52%) бўйича юқори натижа кўрсатган “Лазурний” навида кузатилди. Ўрим олдида ўсимликлар сони бўйича юқори кўрсаткич “Искандар” навида 1 м<sup>2</sup> да 196 тупни ташкил этди.

5. Турли сув қалинликларида шоли навларининг ўсиши ва ривожланиши, барг сатҳига таъсири кузатилиб, энг юқори барг сатҳи 15 см сув қалинлигида “Лазурний” ва “Мустақиллик” навларида 385,0 см<sup>2</sup> бўлганлиги аниқланди.

6. Сув қалинлиги 20 см дан ортиши билан ўрганилган навларнинг рўвакдаги пуч донлар сонини кўпашига, пояларнинг ётиб қолишга мойиллиги ортиши ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келди.

7. Шолида биометрик кўрсаткичлар бўйича энг юқори натижа “Мустақиллик” навида рўвакдаги дон сони 195 дона (15 см), 1000 дона дон вазни 34,8 г, тупланиш даражаси 1,5 донани, “Лазурний” навида эса тупланиш даражаси 1,7 (15 см) ва 1 м<sup>2</sup> ўрим олди ўсимлик сони 155 дона ташкил этганлиги аниқланди.

8. Турли сув қалинлигини ортиши билан шоли навларида кондицион уруғлар ва гуруч чиқими ортган бўлиб, “Мустақиллик” навида 5 см (70,1%) 10 см (79,8%) 15 см (80,1%) 20 см (80,0%) кондицион уруғлар ва гуруч чиқими 70,1, 75,2; 72,1; 72,0% ни ташкил этиб, энг мақбул вариант 15 см ли сув қалинлиги эканлиги аниқланди.

9. Шоли навларини ўсиши ва ривожланиши жараёнида гуруч таркибида сифат кўрсаткичлари сув қалинлиги таъсири туфайли ўсиши қайд этилган ва энг юқори натижа шолининг “Лазурний” навида 15 см ли сув қалинлигида

амилаза 21,4%; крахмал 69,9 ва оқсил 11,2% ташкил қилди. Сув қалинлигининг ортиб бориши, ўрганилган барча навларнинг кондицион чиқими ҳам юқори бўлганлиги аниқланди.

10. Шоли ҳосилдорлиги 15 см сув қалинлиги бўйича деярли барча навлар (60,1; 64,7; 69,9; 66,2; 73,2;75,3 ц/га) да юқори натижа олинганлиги аниқланди. Шунга кўра ҳосилдорлик “Мустақиллик” (73,2 ц/га) ва “УзРОС-7/13” (75,3 ц/га) навларида ва рентабеллик даражаси мос равишда 68,4 ва 68,2% ни ташкил этди.

11. Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида юқори ва сифатли шоли ҳосили етиштириш ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришиш учун “Мустақиллик”, “УзРОС 7/13” шоли навларини экиб, 15 см сув қалинлигида суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 ПРИ АНДИЖАНСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**  

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РИСА**

**ХОЖАМКУЛОВА ЮЛДУЗОЙ ЖАХОНКУЛОВНА**

**ВЛИЯНИЕ РАЗЛИЧНОЙ ТОЛЩИНЫ СЛОЯ ВОДЫ НА РОСТ,  
РАЗВИТИЕ И УРОЖАЙНОСТЬ РИСА**

**06.01.08 – Растениеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Андижан - 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/Qx41.

Диссертационная работа проведена в НИИ риса.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу ([www.andqhai.uz](http://www.andqhai.uz)) и на сайте информационно-образовательный портал "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Ходжакулов Туракул**

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хошимов Иброхимжон Набиевич**

доктор сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Уразметов Кахрамон Каримбоевич**

доктор философии сельскохозяйственных наук, доцент

**Ведущая организация:**

Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений


Защита диссертации состоится « 22 » 02 2022 года в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий. Адрес: 170600, г Андижан, ул. Олийгох, дом-1. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (99874) 373-13-63; E-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz) Административное здание: Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий, 1 этаж, зал заседаний.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована за 17). Адрес: 170600, г Андижан, ул. Олийгох, дом-1. Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий, здание Информационно-ресурсного центра. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)


Автореферат диссертации разослан « 10 » 02 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 17 от « 10 » 02 2022 года.)



  
**А. Исашов**  
Председатель научного совета, по  
присуждению ученой степени,  
д.с.х.н, профессор.

  
**С.О. Абдурахмонов**  
Ученый секретарь научного совета  
по, присуждению ученой степени,  
д.с.х.н, с.н.с.

  
**К.С. Комилов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученой степени, к.с.х.н, доцент.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире вместе с ростом количества населения увеличивается и спрос на рисовые продукты. Таким образом, по данным Департамент сельского хозяйства США (USAID), производство риса в прошлом году составило 496,40 млн тонн, а в текущем году во всем мире было выращено 503,17 млн. тонн риса, что увеличилось на 6,77 млн тонн или 1,36 процентов<sup>3</sup>. Поэтому эффективное использование оросительной воды при возделывании риса, разработка передовых, ресурсосберегающих, инновационных агротехнологий при возделывании высоких и качественных культур является актуальным. Средний расход воды в мире составляет 14-16 тыс. м<sup>3</sup>/га, а в нашей стране - 16-21 тыс. м<sup>3</sup>/га в зависимости от почвенно-климатических условий и сорта риса. Поэтому сокращение количества воды при орошении является одним из важных вопросов.

В нашей стране проводится ряд мероприятий по удовлетворению потребности населения в рисовой продукции. В настоящее время в стране на площади 129,4 тыс. га выращивается 611130 тонн риса. Ведутся исследования по разработке агротехнологий для повышения эффективности использования воды при выращивании высококачественного риса, для снижения количества воды, используемой для выращивания риса.

Принимая во внимание то, что выращивание риса является актуальной задачей, в последние годы руководство республики уделяет серьезное внимание к этой области, то есть, предпринимаются усилия по балансированию как экстенсивных, так и интенсивных путей освоения. Для того, чтобы сформировать единую систему выращивания риса и закупок, рационального использования земельных и водных ресурсов, а также для заполнения внутреннего потребительского рынка с высоким качеством продукции установлены задачи постановлением «О мерах по организации закупок риса» Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 октября 2017 года, постановлением «О мерах по дальнейшему развитию рисоводства» Президента Республики Узбекистана № 49735 от 2 февраля 2021 года на 20% рисовых полей использование рассадного метода посадки, на 50% - использование лазерной планировки полей и на 30% посев с использованием современных сеялок.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП 4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»<sup>4</sup>, непрерывное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, эффективное и рациональное

---

<sup>3</sup> <http://www.worldagriculturalproduction.com/crops/rice.aspx>

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

использование орошаемых земель и водных ресурсов, создание сортов риса, пригодных для почвенно-климатических условий каждого региона, подбор и внедрение ресурсосберегающих агротехнологий в указе № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», а также задач, упомянутых действий в нормативно-правовых документах.

